

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”зи қарори.
2. Қурбонбоев М. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш афзаллиги нимада? 2020. <http://www.adolatgzt.uz/tribune/5884>, №9.
3. Иванова Л.И., Бобылева А.С. Анализ финансовой отчетности. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2022. – 332 с.
4. Вахрушина М.А. и другие. Анализ финансовой отчетности. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2021. – 434 с.
5. Никифорова Н.А. Комплексный экономический анализ. Учебник. – М.: КНОРУС, 2021. – 440 с.
6. Шеремет А.Д. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 374 с.
7. Xasanov B.A. va boshqalar. Moliyaviv tahlil. Darslik. – T.: Iqtisodiyot, 2022. – 722 b.
8. Raximov M.Yu., Kalandarova N.N. Moliyaviv tahlil. Darslik. – T.: Iqtisod-moliya, 2019. – 736 b.
9. Raximov M.Yu. Moliyaviv hisobot tahlilining metodologik muammolari. Monografiya. –T.: Iqtisod-moliya, 2022. –274 b.
10. Шеремет А.Д., Козельцева Е.А. Финансовый анализ. Учебно-методическое пособие. – М.: Экономический факультет МГУ имени М.В.Ломоносова, 2020. – 200 с. ISBN 978-5-906932-29-7.
11. Бригхэм Ю., Эрхардт М. Финансовый менеджмент. 10-е изд. / Пер. с англ. под ред. Е.А.Дорофеева. – СПб.: Питер, 2009. – 960 с. ISBN 978-5-94723-537-1.
12. <https://corporatefinanceinstitute.com/resources/accounting/types-of-financial-analysis/>

**МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ (МҲХС) АСОСИДА
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**



 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a33

**Абдусаломова Нодира Баходировна -
ТДИУ Бухгалтерия ҳисоби кафедраси
мудири, иқтисодиёт фанлари
доктори (Dsc), профессор**

Аннотация. Ушбу мақолада муаллиф молиявий ҳисобот ва корхонада МҲХС асосида ҳисобни ташкил этиш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиб, моливий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ юритиш ва тақдим этишининг ўзаро боғлиқ муаммоларини ёритган ва ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқкан. Шунингдек, МҲХС ва БҲМС талабалари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби объектларининг қиёсий таҳлили келтирилган бўлиб, МҲХСга мувофиқ молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш методикаси ишлаб чиқилган.

Калим сўзлар: молиявий ҳисобот, халқаро стандартлар, бухгалтерия ҳисоби, компания, трансформация, активлар, капитал, мажбуриятлар, инвесторлар, ҳисоб сиёсати, солиқ сиёсати.

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ТРАНСФОРМАЦИИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ НА
ОСНОВЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ (МСФО)**

**Абдусаломова Надира Баходировна -
Заведующая кафедры «Бухгалтерский учет» в ТГЭУ
доктор экономических наук, профессор**

Аннотация. В данной статье автор проанализировал теорию и практику составления финансовой отчетности и организации бухгалтерского учета на предприятии на основе МСФО, выделил взаимосвязанные проблемы ведения и представления финансовой отчетности в соответствии с МСФО, а также разработал предложения и рекомендации по их устранению. Также представлен сравнительный анализ отдельных объектов учета по требованиям МСФО и НСБУ и разработана методика трансформации финансовой отчетности по МСФО.

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты, бухгалтерский учет, компания, трансформация, активы, капитал, обязательства, инвесторы, учетная политика, налоговая политика.

**IMPROVEMENT OF THE SYSTEM OF TRANSFORMATION OF FINANCIAL REPORTING ON THE
BASIS OF INTERNATIONAL FINANCIAL REPORTING STANDARDS**

**Abdusalomova Nodira Bahodirovna -
Head of the Department of Accounting, TSUE,
doctor of economic sciences, professor**

Annotation. In this article, the author analyzed the theory and practice of preparing financial statements and organizing accounting at an enterprise based on IFRS, identified the interrelated problems of maintaining and presenting financial statements in accordance with IFRS, and also developed proposals and recommendations for their elimination. A comparative analysis of individual accounting objects according to the requirements of IFRS and NAS is also presented, and a methodology for transforming financial statements in accordance with IFRS is developed.

Key words: financial reporting, international standards, accounting, company, transformation, assets, capital, liabilities, investors, accounting policy, tax policy.

Кириш. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш шароитида республика иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган ягона давлат инвестиция сиёсатини татбиқ этишда мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, инвестиция ва инвестицияларни ривожлантириш, амалга ошириш, инвестиция ресурсларини шакллантириш учун хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш жуда муҳим масалалардан ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида, инвесторлар ва кредиторларга потенциал инвестиция объекти бўлган ташкилот тўғрисидаги маълумотларга бўлган талабни оширади.

Умуман, компаниялар фаолияти ва хусусан, уларнинг молиявий кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаларидан бири молиявий ҳисбототди. Жаҳон амалиётида инвесторлар халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тайёрланган корпоратив ҳисбот маълумотларига ишонишади, чунки бу стандартлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва унинг фаолияти натижаларини объектив акс эттирувчи молиявий ҳисботларни тайёрлашга ёрдам беради.

Молиявий ҳисбототнинг халқаро стандартларига мувофиқ корхонанинг молиявий ҳисботларини тақдим этиш ва мувофиқлаштиришга мамлакатимизда кенг қўлланиладиган ҳисботни трансформация қилиш усули ёрдам беради. Ушбу усул молиявий маълумотларни халқаро молиявий ҳисбот стандартларига мувофиқ тайёрлаш самарадорлиги билан тавсифланади, аммо амалда қўлланиладиган ҳисботни халқаро стандартларга мувофиқ эълон қилиш усулларининг номукаммалиги туфайли у ортиқча меҳнат ва кўплаб хатолар билан тавсифланади.

Шу мунсабат билан ортиқча меҳнат сарфини камайтириш, тақдим этилаётган молиявий ҳисбот маълумотларининг тўғрилигини ошириш учун ҳисботни трансформация қилиш усулини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштириш алоҳида аҳмиятга эга. Шунингдек, молиявий маълумотлар алмашинувининг халқаро воситаси сифатида МҲҲСни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муҳим, сабаби хўжалик юритувчи субъектларнинг халқаро стандартлар асосида ҳисбот беришга ўтиши нафқат республикада, балки хорижда ҳам тушунарли ва ишочли ҳисобланиб, бухгалтерия ҳисбоги тизимини ислоҳ қилишнинг жуда муҳим элементи ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналарнинг МҲҲСнинг жорий этиши бухгалтерия ҳисбоги тизимида камчиликлар ва иқтисодиётни ривожлантириш шароити талаблари билан номувофиқликларни ушбу тизим-

нинг яхлитлигини бузмаган ҳолда изчиллик билан бартараф этиш имконини беради.

Бундан ташқари МҲҲСдан фойдаланиш тадбиркорлик фаолиятини бошқаришда ягона бухгалтерия ҳисбоги усулларини қўллаш орқали бухгалтерия ҳисбоги ахборот тизимларини такомиллаштиришга имкон беради, бошқарувчиларни бошқарув самарадорлигини сезиларли даражада оширадиган, акциядорлар ва ҳамкорлар билан малакали алоқа ўрнатишига имкон берадиган маълумотлар билан таъминлайди. Шунингдек, корхона фаолиятининг шаффофлигини ошириш, корпоратив бошқарув тизимини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисбототнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4611-сонли [1] қарори қабул қилинган бўлиб, у хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва молиявий имкониятларни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, молиявий ҳисбототнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали халқаро молия бозорларига чиқиш учун имконият яратади. Ушбу қарорда МҲҲС ва замонавий ўқитиши услубларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”да барча зарур чора-тадбирлар ўрин олган. Бу эса ушбу тадқиқот иши долзарблигини билдиради.

Адабиётлар таҳлили. Танланган мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қиласидаган бўлсак, кўпчилик муаллифлар бухгалтерия ҳисбогини халқаро стандартлар асосида ташкил этишни чекланган муқобил ҳисбоги ва ҳисбот усулларини ишлаб чиқиш сифатида белгилайди. Унинг моҳияти дунё миқёсида қўлланиладиган ягона бухгалтерия стандартлари тўпламини яратишдан иборат бўлиб, уларни миллий бухгалтерия ҳисбоги тизимларига жорий этиш ихтиёрий асосда амалга оширилади. Бухгалтерия ҳисбогини халқаро стандартлаштиришнинг зарур шартлари иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви ва миллий бухгалтерия ҳисбоги тизимларида фарқлардан келиб чиқадиган молиявий ҳисбототларнинг номувофиқлигини бартараф этиш муаммосидир. Ушбу соҳада тадқиқот олиб борган муаллифларнинг фикрларига мурожаат қиласидаган бўлсак, В.Т.Чая томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисбототларни трансформация қилиш методологияси қуидаги босқичларни ўз ичига олади [2]:

1. Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбоги, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисбоги ва бошқа ҳисбоготларни тузиш учун счётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш, шунингдек, молиявий ҳисбоготларда МҲҲС талабларига мувофиқ четланишларни аниқлаш имконини берувчи ташкилот-

нинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоб сиёсатининг ҳолати.

2. Бухгалтерия ҳисоби тизимида айланма қайдномаларни шакллантириш, бухгалтерия ҳисоби қоидалари ва МХХСга мувофиқ иқтисодий мазмуни бўйича хўжалик операцияларини акс эттиришдаги фарқларни кўрсатадиган ишчи хужжатларни тузиш.

3. Ҳар бир бухгалтерия счёtlарини иқтисодий мазмуни бўйича МХХС талаблари даражасига етказиш учун тузатувчи ёзувларни амалга ошириш.

А.Х.Поповани таъкидлашича, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, одатда, “дунёнинг аксарият мамлакатларида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун хўжалик операциялари ва молиявий кўрсаткичларни саралаш, тан олиш, баҳолаш ва ошкор қилиш бўйича умумэтироф этилган қоидалар тўплами” деб тушунилади [3].

Халқаро стандартлар қуйидаги концептуал асосларни ўз ичига олади: асосий сифат хусусиятлари, тақдим этилган маълумотларнинг аҳамияти, унинг ишончлилиги, “молиявий ҳисоботнинг элементлари, активлар ва мажбуриятларни баҳолашга ёндашувлар, капитал ва капитални сақлаш тушунчалари” [4].

О.Г. Житлухина таъкидлашича, “асосий сифат хусусиятлари бир қатор бошқа хусусиятларни ўз ичига олади. Демак, маълумотларнинг долзарблигига прогноз қиймати, ахборотнинг муҳимлиги таъсир қилади”. Тақдим этилаётган маълумотга бир қатор хусусиятлар ҳам таъсир қилади: маълумотларнинг фойдалилиги, хатоларнинг йўқлиги. Таянч сифат характеристикасига мувофиқлик ҳам киради. Маълумотнинг мувофиқлиги унинг асосида қарорлар қабул қилиш ва баҳолаш мумкинлигини англаатади [5].

С.Н.Ташназаровнинг фикрига кўра, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи фанининг алоҳида тармоғи бўлиб, молиявий ҳисоботнинг концептуал асослари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари зарурати, ишлаб чиқилиши, уларнинг мазмуни, интерпритацияси ва қўлланилишининг назарий ва методологик масалаларини ўрганувчи қисмидир” [6].

Ю.А.Бабаевнинг таъкидлашича, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун халқаро принциплар тизимидир. Улар кўплаб мамлакатларда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун асос сифатида кенг қўлланилади ва қабул қилинади. МХХС қуйидаги хужжатлар йиғиндинсини акс эттиради: МХХС қоидаларига кириш, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойилари, стандартлар ва уларга тушунтиришлар.

Ушбу ҳужжатлар ўзаро боғлиқ бўлиб, ягона тизимни ташкил қиласди ва алоҳида қўлланилиши мумкин эмас, гарчи уларнинг ҳар бири ўзига хос маънога эга [7].

А.К.Ибрагимов ўзининг илмий ишларида “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари”га бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи аниқ қоидалар тўплами деб айтиб ўтган. “Қоида” сўзи қонун хужжатларида белгиланган қатъий нормалар ёки жамоатчилик томонидан қабул қилинган асосий тамойиллар бўлиши мумкин. Стандарт бухгалтерия ҳисоби обьектига ёки молиявий ҳисобот элементига нисбатан аниқ талаблар ўрнатиши билан у бухгалтерия ҳисобининг умумий йўналишларини белгиловчи бухгалтерия ҳисоби моделларидан фарқ қиласди [8].

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботларни тузишда муҳим фаразни, яъни узлуксизлик фаразини, корхона фаолиятини узлуксиз давом эттириш имкониятини ҳисобга олиш керак. Агар ушбу масалада ноаниқлик юзага келадиган бўлса ҳамда корхона бошқа муқобил ечиши қолмаган ҳолатда фаолиятини тугатишни режалаштиrsa, унда бу ҳолатни молиявий ҳисоботда ошкор қилиш шарт. Корхона фаолиятини давом эттириш қобилиятини баҳолашда раҳбарият камида келгуси 12 ой давомида келажак ҳақидаги барча маълумотларни ҳисобга олиши керак. Шунингдек, қуйидагилар билан боғлиқ бўлган кенг кўламли омилларни таҳлил қилиш зарур бўлиши мумкин:

1. Жорий ва келажақдаги рентабеллик ҳақидаги маълумот.

2. Қарзларни сўндириш режаси.

3. Молиялаштириш манбалари ва шу кабиллар.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, молиявий ҳисобот кўрсаткичларини шакллантириш ва ҳисоботни тақдим этиш учун ягона бағафсил ёритилган методологияни яратиш нуқтаи назаридан, бухгалтерия ҳисоби субъектлари даражасида (алоҳида корхона миқёсида) халқаро стандартларни қўллашнинг мавжуд амалиётини қайта кўриб чиқиши талаб этилади.

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот бухгалтерия ҳисоби субъектларининг фаолияти бўйича тақдим этган ахборот материаллари ва меъёрий хужжатларидаги материалларига, бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисобот ва корхонада МХХС асосида ҳисобни ташкил этиш назарияси ва амалиёти соҳасидаги маҳаллий ва хорижий олимларнинг фикрлари ва илмий ғоялари таҳлилига асосланади.

Кўйилган вазифанинг хусусиятига қараб қуйидаги илмий ва амалий усуслар қўлланилди: кузатиш, таҳлил, синтез, тизимлаштириш, индукция, дедукция, абстракт-мантиқий усул, фойлари таҳлилига асосланади.

даланилган маълумотларни гурухлаш ва умумлаштириш.

Таҳлил ва натижалар. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда МХҲСни жорий этишда бир қатор муаммолар мавжуд. Олиб борилган тад-қиқотлар натижасида моливий ҳисоботларни МХҲСга мувофиқ юритиш ва тақдим этишнинг ўзаро боғлиқ муаммоларини учта гуруҳга бўлиб ўргандик.

Биринчи гурух муаммоларига бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлаштиришнинг моҳиятини ва унинг зарур шартларини аниqlаш, бухгалтерия ҳисоби субъектлари томонидан халқаро стандартларга мувофиқ молиявий

Ҳисоботларни тузиш муаммоларини ўрганиш ва МҲҲСни қўллаш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича мавжуд муаммолар киради.

Биламизки, бухгалтерия ҳисобини стандартлаштириш МХХСни ишлаб чиқиш ва жорий этиш орқали амалга оширилади. Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисботларни тайёрлаш учун керакли принциплар, қоидалар, тавсиялар ва талабларни ўз ичига олган хужжатлар тизими ҳисобланади. Ушбу тизим элементларининг мақсади ва таркиби қуидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

МХХС элементларининг максади ва таркиби

№	МХХС элементининг номи		Мақсади
	Ўзбекча	Инглизча	
1.	МХХСга кириш	Preface to IFRS	Халқаро стандартларни ишлаб чиқиш ва қўллаш ва МХХС бўйича Кенгаш мақсади ва тартибини тавсифлайди
2.	Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш тамойиллари	Framework for the Preparation and Presentation of Financial Statements	Ушбу ҳужжатда халқаро стандартлар тизимининг концептуал асослари мавжуд бўлиб, у асосда барча МХХС ва уларнинг шарҳлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг мақсади, унинг асосий элементлари, уларни тан олиш ва ўлчаш қоидалари, шунингдек, молиявий маълумотларнинг сифат хусусиятлари кўриб чиқилади
3.	Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари	International Financial Reporting Standards (IFRS)	Компаниянинг молиявий ҳисоботида алоҳида операциялар ошкор этилиши керак бўлган қоидаларни белгилайди
4.	Стандартларнинг талқини	Standing Interpretations Committee interpretations (SIC)	Тўлиқ ошкор этилмаган муаммоларни ҳисобга олган ҳолда стандартларни тўлдиради. Стандартларда белгиланган қоидаларни аниқлаштириб, стандартларни ишлаб чиқиша ҳисобга олинмаган объектларни тартибга солишга ёрдам беради

Манба: мураллиф ишланмаси.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидан дунёда кўплаб мамлакатлар фойдаланиб келади. Мамлакатимизда инвесторларни жалб этиш, халқаро бозорга чиқиш, халқаро молия марказини ташкил этиш доирасида МҲҲСнижорий этиш режалаштирилган.

Шунга мувофиқ, молиявий ҳисботни трансформация қилишдаги харажатларнинг юқорилиги билан бирга тадқиқот давомида республикамиз худудида МХХСни қўллашнинг қўйидаги муаммолари ўрганилди. Масалан: қонунчиликдаги фарқлар, хўжалик операцияларининг иқтисодий моҳияти унинг ҳуқуқий шаклига нисбатан устуворлиги, тегишли товар ва хизматлар учун жорий бозор ва жорий қийматнинг ишончли баҳоларини олишдаги қийинчиликлар ва ҳоказо. Бундан хулоса қилишимиз мумкинки, юқоридаги таъкидлаб ўтилган қийинчиликлар мамлакатимизда узоқ вақт давомида молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларини қўллаш расмий мақомга эга бўлмаганлиги ва МХХСни амалиётда қўллаш бўйича тажриба йўқлиги билан боғлиқ.

Хозирги вақтда молиявий ҳисоботни БХМС билан биргаликда халқаро стандартлар талаби асосида юритиш ва топширишнинг қуидаги учта усулини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- параллель ҳисоб (яъни бир вақтнинг ўзида ҳам миллий ва халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисоби юритилади);
 - бухгалтерия ўтказмаларини халқаро стандартга ўгириш;
 - молиявий ҳисботни халқаро стандарт талабларига мувофик трансформация килиш.

Параллель ҳисоб корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятидаги ҳар бир жараённи икки марта акс эттиришни ўз ичига олади: бир марта БҲМСга мувофиқ ташкил этилган бухгалтерия ҳисоби тизимида, иккинчиси МҲҲС талабалари-га мувофиқ, бухгалтерия ўтказмаларини халқа-ро стандартга ўгириш усулида БҲМС қоидалари-га асосан бухгалтерия ҳисоби регистрларида қайд этилган маълумотларни МҲҲС форматига ўтказишни англатади. Бу усулнинг параллель ҳисобдан фарқи шундаки, бирламчи маълумот-лар сифатида молия-хўжалик фаолияти натижага

си эмас, балки БХМС талаблари асосида бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттирилган маълумотлар ҳисобланади.

Иккинчи гуруҳ муаммолари БХМС ва МХХСнинг концептуал асосларини, шунингдек, молиявий ҳисоботларда алоҳида бухгалтерия ҳисоби обьектлари, яъни моддалари бўйича маълумотларни акс эттириш бўйича БХМС ва МХХС талабларини қиёсий таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Ушбу муаммоларни ўрганиш жараёнида МХХС ва БХМС концептуал асосларини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида молиявий ҳисобот маълумотларини тайёрлашда фойдаланиладиган асосий талаблар ва тахминлар, шунингдек, берилган таърифлар, обьектларни тан олиш қоидалари ва молиявий ҳисобот элементларини баҳолаш турларини таққосладик. Натижада қуидаги фарқлар аниқланди:

1. МХХСда молиявий ҳисоботда тақдим этилган маълумотларнинг муҳимлигини билдирувчи миқдорий мезоннинг йўқлиги.

2. МХХСда тақдим этилаётган молиявий ҳисоботларда халқаро стандартлар меъёрларидан четга чиқишлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш талабининг мавжудлиги.


3. МХХС давр бошида “Молиявий ҳолат” тўғрисидаги ҳисоботни талаб қиласди, агар корхона ҳисоб сиёсатини ретроспектив тарзда қўлласа ёки ҳисобот обьектларини ретроспектив қайта кўриб чиқса ёки қайта таснифласа.


4. БХМСда мазмуннинг шаклдан устунлиги тамойилига риоя этмаслик.


5. МХХСда капитални сақлаш бўйича концепция ва қонун билан белгиланган фойданинг тақсимоти тартиби ўртасидаги номувофиқликлар.

6. Бухгалтерия ҳисоби амалиётида ҳаққоний ва жорий қиймат бўйича баҳолашни амалга оширмаслиги.

Тадқиқот жараёнида асосий воситалар, молиявий ижара (лизинг), инвестициялар,номоддий активлар, захиралар, пул маблағлари, қарз маблағлари, даромад, харажат ва фойда солиғи каби бухгалтерия ҳисоби обьектлари тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботда акс эттириш учун МХХС ва БХМС талабларининг қиёсий таҳлили амалга оширилди. Қуйидаги 1-расмда юқорида айтиб ўтилган бухгалтерия ҳисоби обьектлари бўйича аниқланган фарқлар жамланган.







1-расм. МХХС ва БХМС талабалари бўйича алоҳида бухгалтерия ҳисоби объектларининг қиёсий таҳлили натижалари

МХХС ва БХМС талабалари ўртасидаги аниқланган номувофиқлар тўғрисидаги маълумотлар корхоналарда молиявий ҳисботнинг моддаларини аниқлаш ҳамда тузатишига муҳтоҷ, шунингдек, трансформацияни амалга оширишнинг таркиби ва техникасини ўрнатишга имкон беради. Бундан ташқари бу маълумотлар корхонага БХМС томонидан тақдим этилган ва МХХСларга яқин келадиган бухгалтерия ҳисоби усулларини танлаш ва қўллаш имконини беради. Шунингдек, МХХС ва БХМСнинг концептуал асослари ва бухгалтерия ҳисоби стандартлари тизимларининг алоҳида бухгалтерия обьектларига нисбатан талаблари ўртасидаги

аниқланган фарқлар ўртасидаги маълумотлар корхонанинг моливий ҳисботларини халқаро стандартлар талабларидан сезиларли оғишларни бартараф этишга ёрдам беради.

Учинчи гурӯҳ муаммолари тегишли методологияни ишлаб чиқиш, иш жараёнини ташкил этиш ва МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботларни ўзгартириш жараёнларини автоматлаштириш билан боғлиқ. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида молиявий ҳисботни трансформация қилиш бўйича тайёргарлик, таҳлилий, ахборот, ишни ташкил этиш ва назорат босқичларидан иборат методика ишлаб чиқилди (2-жадвал).

2-жадвал

МХХСга мувофиқ молиявий ҳисботларни трансформация қилиш методикаси

БОСҚИЧЛАР	Амалга ошириш механизми
1-босқич. <i>Тайёргарлик босқичи</i>	MХХС вариантини танлаш (МХХСга тўлиқ ёки қисман ўтиш)
	Ҳисботни тақдим этиш валютасини аниқлаш
	Корхонанинг корпоратив тузилмасини баҳолаш
	БХМС асосида тақдим этилган ҳисботдаги мавжуд хатоларни аниқлаш
2-босқич. <i>Таҳлилий босқич</i>	MХХСга мувофиқ корхонанинг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш
	MХХС ва БХМС талаблари бўйича ҳисоб сиёсатини қиёсий таҳлил қилиш
	Таҳлил натижаларини мавжуд ҳисоб обьектлари ҳақидаги маълумотлар билан таққослаш
3-босқич. <i>Ахборот тигиши босқичи</i>	MХХС доирасида ҳисбот бериш учун умумий талабларни ўрганиш
	Трансформация қилиш учун керакли маълумотларни тўплаш
4-босқич. <i>Иш бажарши босқичи</i>	Молиявий ҳисботтага тузатишлар киритиш
	MХХСга мувофиқ ҳисботлар тўпламини тузиш
5-босқич. <i>Назорат босқичи</i>	Трансформация бўйича тузатишларнинг ҳақиқийлигини текшириш ва уларни ҳисоблашнинг тўғрилигини назорат қилиш
	Аниқланган хатолар ва бузилишларни тузатиш

Тайёргарлик босқичи ташкилий чоратадбирларни амалга оширишни, БХМСга мувофиқ тузилган дастлабки ҳисоботдаги хатолар ва бузилишларни текширишни ўз ичига олади.

Таҳлилий босқич молиявий ҳисоботларга трансформация бўйича тузатишларни аниқлаш ва таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу босқич натижаларига кўра молиявий ҳисоботнинг транс-

формация қилингандаги тузатишларнинг дастлабки рўйхати шакллантирилиши керак.

Ахборот иғиши босқичининг вазифаси БХМС асосида тузилган молиявий ҳисоботларга киритиладиган ўзгартеришлар микдорини ҳисоблаш учун маълумот олишдир. Ушбу босқичда қуидаги маълумотлар йигилади (3-жадвал).

3-жадвал

МҲҲСга мувофиқ ҳисоботни ўзгартериш жараёнида фойдаланиладиган маълумотлар

№	Ҳисоб обьекти	Ахборотнинг мазмуни
1.	Асосий воситалар	Ҳисобот даври боши ва охиридаги қолдиқларни асосий воситалар гурӯҳлари бўйича тақсимлаш
		Қайта баҳолаш суммалари
		Амортизация ҳисоблаш усуллари, фойдали хизмат қилиш муддатлари
		Асосий воситаларнинг қадрсизланишини инобатга олган ҳолда қолдиқ қийматини аниқлаш
		Ижарага олинган ва ижарага берилган асосий воситалар тўғрисидаги маълумотлар (шартнома шартлари, ижара тўлови микдорлари, аренда муддати)
		Объектларни сотиб олиш саналари
		Объектларни демонтаж қилиш ва улар эгаллаган майдонларни тиклаш мажбуриятлари
		Муддатли тўлов асосида сотиб олинган асосий воситалар тўғрисидаги маълумот
		Асосий воситаларнинг ҳаққоний қиймати, асосий воситани сотиш билан боғлиқ харажатлар
		Активдан олиниши қутилаётган пул оқимларининг жорий қиймати
2.	ТМЗ	Товар-моддий захиралар турлари бўйича дастлабки ва охирги қолдиқ маълумотларини таққослаш
		Товар-моддий захираларнинг ҳар бир турига ажратилган захира (қадрсизланиш учун)
		Захираларнинг бозор баҳоси
		Товар-моддий захираларнинг турлари бўйича ишлаб чиқаришни якунлаш ва сотиш учун тахминий харажатлар сметаси
3.	Молиявий инвестициялар (моливий активлар)	Моливий қўйилмалар турлари бўйича бошланғич ва якуний қолдиқлар суммасини таснифлаш
		Шуъба, асоцацияланган ва биргаликда назорат қилинадиган корхоналарга киритилган инвестициялар қиймати
		Қимматли қоғозларнинг ҳаққоний қиймати
		Кредит бериш шартлари (суммаси, муддати, самарали фоиз ставкалари)
		Муддати ўтган кредитлар ва уларнинг қадрсизланиши учун ҳисобланган захиралар тўғрисидаги маълумотлар
		Молиявий инвестицияларни ҳисобдан чиқариш шартлари
4.	Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари	Ташкилотта тегишли бўлган ҳосилавий-молиявий воситалар тўғрисидаги маълумот
		Бошланғич ва охирги қолдиқ, шунингдек, пул маблағлари ҳаракати ва пул маблағлари эквивалентлари тўғрисида батафсил маълумот (қисқа муддатли депозитлар, қарз қимматли қоғозлар, қисқа муддатли имтиёзли акциялар ва шу кабилар)
5.	Қарзга олинган маблағлар	Муайян кредит ва ссудалар бўйича бошланғич ва охирги қолдиқ суммасининг асосий қарз суммаси ва фоизларини алоҳида тавсифлаш
		Кредит ва ссудаларни олиш шартлари (суммалар, муддатлар, самарали фоиз ставкалари, гаров, махсус шартлар)
6.	Харажатлар	Ҳақиқатда амалга оширилган, лекин хужжатлаштирилмаган харажатлар суммаси
		Ҳисобот даври билан боғлиқ бўлган, лекин бошқа даврда амалда қилинган харажатлар микдори (корхона ходимларига ўйллик мукофотлар, аудит билан боғлиқ харажатлар ва шу кабилар)
7.	Даромадлар	Бухгалтерия ҳисобида акс эттирилмаган даромад суммалари
		Бажарилган ишларни (курсатилган хизматларни) якунлаш босқичи
		Ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқ харажатлар

Иш бажариш босқичида молиявий ҳисбботга унинг моддаларини МҲҲСга мувофиқ ўзгартеришга имкон берувчи трансформацион тузатишлар киритилади.

Тузилган ҳисббот маълумотларида жиддий хатолар ва бузилишлар бўлиши мумкинли-

ги сабабли ҳисбботни ўзгартеришнинг **назорат босқичида** трансформацион тузатишларнинг асослилиги ва уларни ҳисоблашнинг тўғрилиги текширилиши керак.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, ҳисбботни трансформация қилиш бўйича

таклиф этилаётган методология зарур ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, тузатишлар соҳасини аниқлаш ва аниқлаштириш, керакли маълумотларни тўплаш, тегишли ўзгартиришлар, яъни трансформация ёзувларини киритиш ва молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ ишончлилигини таъминлашга хизмат қиласди.

Олиб борилган тадқиқот давомида таклиф этилган методика доирасида трансформацион тузатишларнинг асослилиги ва уларни ҳисоблашнинг тўғрилигини текширишни амалга ошириш жараёнида зарур бўладиган назорат чоралари таклиф этилди:

– молиявий ҳисоботга киритилган тузатишларнинг мувофиқлигини баҳолаш;

– тузатиш бўйича ҳисоб-китобларга асосланган дастлабки маълумот ва тахминларни таҳлил қилиш;

– ҳисоб-китобларни арифметик текшириш;

– ҳисоб-китоб техникаси ва тузатишларни ўтган даврдаги ўхшаш маълумотлар ҳамда тармоқдаги бошқа хўжалик юритувчи субъектлар амалиёти билан таққослаш;

– трансформацияни амалга ошириш учун масъул шахслар томонидан ҳисоботга киритилган тузатишларни тасдиқлаш тартибини кўриб чиқиш;

– тузатиш суммаларини қайта ҳисоблашни ва натижалар билан таққослаш учун ҳисоботда уларнинг акс этишини назорат қилиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сонли "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"зи қарори.
2. Чая В.Т., Чая Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности. ISBN 978-5-4252-0182-9. – 368 с.
3. Попова А.Х., Аркауты В.В., Икаева Л.Э. Международные стандарты финансовой отчетности (МСФО): проблемы внедрения и трансформации российской отчетности. // Пространство экономики. 2013. № 4-2. С. 215-218.
4. Новые международные стандарты финансовой отчетности. Перемены в стандартах страхования. // Международный бухгалтерский учет. 2011. № 25. С. 2-5.
5. Житлухина О.Г. О месте и особенностях производных финансовых инструментов в системе финансовых инструментов в аспекте международных стандартов финансовой отчетности. // Инновационная наука. 2015. № 3. С. 24-27.
6. Ташназаров С.Н. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисобот: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: "Наврӯз" нашриёти, 2016 й. 31-47-б.
7. Бабаев Ю.А., Петров А.М. Международные стандарты финансовой отчетности. Вузовский учебник. – М.: ИНФРА-М, 2012. – 398 с. (Babaev Yu.A., Petrov A.M. International Financial Reporting Standards. University textbook. –M.: INFRA-M, 2012. –398 p.)
8. Ибрагимов А.К., Марпатов М.Д., Ризаев Н.К. Банкларда бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари. – Т.: Молия, 2016. – 370 б. (Ibragimov A.K., Marpatov M.D., Rizaev N.K. National and International Standards of Accounting in Banks. – T.: Finance, 2016. – 370 p.).



ФИРИБГАРЛИК РИСКИНИ БОШҚАРИШДА ИЧКИ АУДИТНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Абдиева Наргиза Шухратовна -
Тошкент молия институти докторант,
Аудит кафедраси доценти

Аннотация. Мақолада фирибгарлик рискини бошқариш, шу жумладан, фирибгарликка қарши қурашиш ва унинг олдини олишида ички аудитнинг аҳамияти ва роли очиб берилган. Фирибгарлик тушунчасига халқаро ташкилотлар томонидан берилган таърифлар таҳлил қилинган. Ички аудит томонидан фирибгарлик ҳолатларини аниқлаш бўйича хорижий ва миллий олимлар илмий изланишилари ўрганилган ва ички аудит томонидан фирибгарлик рискини самарали бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: риск, ички аудит, рискларни бошқариш, фирибгарлик риски, фирибгарлик учбуручаги.

ЗНАЧИМОСТЬ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА В УПРАВЛЕНИИ РИСКОМ МОШЕННИЧЕСТВА

Абдиева Наргиза Шухратовна -
докторант, доцент кафедры "Аудит"
Ташкентского финансового института

Аннотация. В статье раскрывается значение и роль внутреннего аудита в управлении риска мошенничества, в том числе в борьбе и предотвращении мошенничества. Проанализированы определения мошенничества международными организациями. Изучены исследования зарубежных и отечественных ученых по выявлению случаев мошенничества внутренним аудитом, также разработаны рекомендации по эффективному управлению риском мошенничества внутренним аудитом.

Ключевые слова: риск, внутренний аудит, управление рисками, риск мошенничества, треугольник мошенничества.